

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ҚУРИЛИШ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**Тўқумбетов Оғабек
Турсунов Олим**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари

Аннотация: Ушбу илмий мақолада қурилиш материаллари нафақат шаҳар иқтисодиётининг барча тармоқларида ўсишни рағбатлантириш, балки энг долзарб ижтимоий долзарб масалаларни ҳал қилишга ижобий ҳисса қўшиши мумкинлиги, иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари, соҳани ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммолар ва уларда аниқланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бошқарув самарадорлиги, бошқарув механизми, қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш харажатлари, рақобатлашган бозор, ишлаб чиқариш, тежамкор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш. қайта ишлаб чиқариш, меҳнат ресурслари, корхона, ташкилот

Кириш. Қурилиш материаллари саноатининг ривожланиши, энг аввало, республика иқтисодиётидаги инвестицион фаоллик ўлчови, тармоқларни ислоҳ қилиш суръати, капитал қўйилмалар таркибидаги ўзгаришлар билан белгиланади. қурилиш материаллари саноати ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг асосий таркибий қисмидир.

Ушбу саноат қурилиш мажмуасининг асосий моддий базаси бўлиб, у иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги ўсиш суръатларига ва умуман жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Қурилиш материаллари саноати архитектура ва қурилиш тизимлари, бинолар турлари ва уларни қуриш учун қурилиш технологиялари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарувчиларни қурилиш материаллари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Статистик материалларда бошқа нометалл моддий маҳсулотлар тармоғи сифатида белгиланган қурилиш материаллари саноати қурилиш материалларининг асосий турлари - цемент, ғишт ва бошқа девор материаллари, бетон ва бетон конструкциялар, асбест-цемент маҳсулотлари, керамика, плиткалар, юлка тошлари, иссиқлик изоляцияцион материаллар, том ёпиш материаллари ва бошқаларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Қурилиш материаллари саноатига қуйидаги тармоқлар киради:

1. юмшоқ том ёпиш (мягкие кровельные) ва гидроизоляция материаллари ишлаб чиқариш;
2. иситиш тизимларини ишлаб чиқариш;
3. бўёқ ва лаклар ишлаб чиқариш;
4. табиий тошдан қопламали материаллар ва буюмлар ишлаб чиқариш;
5. санитария-техник маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
6. ғовакли тўлдирувчилар ишлаб чиқариш;
7. иссиқлик изоляция материаллари ишлаб чиқариш;
8. нометалл қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
9. санитария-техник воситалар ишлаб чиқариш;
10. ёғочга ишлов бериш ишлаб чиқариш;
11. шиша ишлаб чиқариш ва бошқалар.

В.Р. Веснин эса “Тартибга солишнинг вазифаси ташкилот мақсадларига ўз вақтида ва самарали эришишни таъминлаш учун режалаштирилган мақсадларни, меъёрларни, стандартларни янгилашдир.”- деб таъриф берган.¹

Муаммонинг мазмунига (аниқланган оғиш ёки ўзгариш) ва тартибга солиш таъсирини яратиш усулига қараб, тартибга солишнинг икки тури ажратилади:

- реактив – стандартларга эришилмаганда амалга оширилади. Стандартлардан четланишларни юмшатишга қаратилган;
- проактив – муаммо потенциал имконият сифатида қаралади. Иш фаолиятини яхшилаш ёки имкониятлардан максимал даражада фойдаланишга қаратилган.²

Қосимов Ғ.М. “Менежмент” дарслигида “Сўзсиз, ҳар бир мамлакат ҳукуматининг муайян босқичида ўзининг хусусий мақсадлари бўлади ва уларни ечишда мамлакатдаги ва дунё хўжалигидаги иқтисодий ҳолатни ҳисобга олади. Шунинг учун давлат томонидан фаолиятни тартибга солиш мақсадлари ва масалалари ўзгариб туради, шунга қарамасдан тартибга солиш механизми етарли даражада ишлаб чиқилган, ваҳоланки, ҳар бир мамлакатнинг, алоҳида олиб қаралганда ўзига хос хусусияти бор.”- деб таъкидлаган.³

Ғуломов С.С. “Моддий ва молиявий ресурсларни тартибга солиш ҳам мувофиқлаштириш вазифасига киради” – деб ўз фикрларини билдирган.⁴

¹ Веснин, В.Р. Основы менеджмента: Учебник / В.Р. Веснин. – М.: Проспект, 2016. - 52 с.

² Управление организацией: Учебник. / Под ред. А. Г. Поршнева, З. П. Румянцевой, Н. Саломатина. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2002. - 198 с.

**"INTEGRATION, EVOLUTION, MODERNIZATION:
WAYS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION"**

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бўйича 2015-2021 йилларда Инвестиция дастури доирасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларининг амалга оширилиши бўйича

ЙИҒМА МАЪЛУМОТ⁵

млн.доллар

Йиллар	Лойиҳалар сони	Лойиҳаларнинг умумий қиймати (млн.доллар)	Инвестиция маблағларини ўзлаштириш, жами		бajar и-лиши, %да	шундан хорижий инвестициялар		бajar и-лиши, %да
			прогноз	ҳақиқат		прогноз	ҳақиқат	
2015 йил	19	183,3	68,2	73,4	107,7 %	21,6	21,6	100,0%
2016 йил	22	335,5	69,8	71,3	102,1 %	26,1	27,3	104,8%
2017 йил	13	203,2	72,4	73,3	101,3 %	15,3	17,6	114,9%
2018 йил	10	411,4	123,0	130,4	106,0 %	98,3	106,8	108,6%
2019 йил	20	642,3	248,5	260,3	104,8 %	208,8	210,6	100,9%
2020 йил	17	868,5	274,9	277,0	100,8 %	200,7	201,1	100,2%
2021 йил	41	887,8	327,6	328,3	100,2 %	201,0	201,6	100,3%

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасида Инвестиция дастури доирасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларининг амалга оширилиши 2021 йилда 2015 йилга нисбатан қуйидагича ўзгарган, лойиҳалар сони 22тага, лойиҳаларнинг умумий қиймати 704,5 млн АҚШ долларга ортган бўлиб, жами инвестиция маблағларини ўзлаштириш эса 2021 йилда 102,2 % ни ташкил этиб, жами инвестицияда хорижий инвестициялар шу йилларда 180 млн АҚШ долларига ортган бўлиб 2021 йилда ўзлаштириш 100,3 % ташкил этган.

**Қурилиш материаллари саноатида маҳсулот
таннархи таркиби, %⁶**

Харажатлар турлари	Йиллар			2021 йил 2019 йилга нисбатан ўзгариши (+/-)
	2019	2020	2021	
1	2	3	4	5
Моддий харажатлар	125	181	289	164
Амортизация	1581	1718	1901	320
Иш ҳаққи	390	446	476	86
Бошқа харажатлар	647	593	639	-8

Қурилиш материаллари саноатида маҳсулот таннархи таркиби, 2021 йида 2019 йилга нисбатан моддий харажатлар 164 пунктга, амортизация харажалари 320 пунктга ортган ҳолда, иш ҳақи харажатлари 86 пунктга ва бошқа харажатлар 8 пунктга кайганини кузатишимиз мумкин.

Қурилиш материаллари саноатининг ривожланиши бутун қурилиш мажмуасининг ривожланишига ёрдам беради. Қурилиш мажмуасининг муваффақиятли ривожланиши нафақат шаҳар иқтисодиётининг барча тармоқларида ўсишни рағбатлантириш, балки энг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳам ҳисса қўшиши мумкин. Қурилиш индустриясининг кўплаб муаммолари (масалан, материаллар, бутловчи буюмлар ва энергия ташувчилар нархларининг ортиб бораётган ўсиши, уй-жой нархларининг ошишига олиб келиши) қурилиш материаллари саноатининг етарли даражада самарадорлиги билан боғлиқ эмас. Қурилиш маҳсулотларининг нархига бюджетдан молиялаштириш учун тўловларни кечиктириш ва векселлар кўринишидаги пул ўрнини босувчи воситалардан фойдаланиш амалиётининг давом этиши салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан мазкур тармоқ корхоналари фаолиятини рағбатлантириш ҳозирги кунда давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим вазифаси бўлиб, қурилиш материаллари саноатини самарали ривожлантириш вилоятнинг умумий иқтисодий юксалиши омилига айланмоқда. Қурилиш материаллари саноатини ҳам ҳақли равишда иқтисодиётдаги реал инвестиция фаоллигининг ўзига хос кўрсаткичи деб аташади. Қурилиш мажмуаси, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш вилоят иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, унинг ҳолати вилоятнинг

иқтисодий-техникавий ривожланиши кўрсаткичларидан биридир. Турли мақсадлар учун бинолар ва иншоотларни қуришда ўнлаб турдаги ва юзлаб маркалардаги қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари кенг қўлланилади.

Хулоса. Ҳар қандай бозорда бўлгани каби, маҳаллий ишлаб чиқариш мавжуд бўлмаганда, импорт ҳажми ошади. Шундай қилиб, санитария-техник воситалар импорти ҳажми йилига 9,2 минг донадан 60,7 минг донагача ошди ва шу тариқа, бугунги кунда импорт бозорнинг барча эҳтиёжларини қопламоқда. Санитария-техник воситаларнинг асосий етказиб берувчилари Россия, Туркия ва Эрон ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади.

Маҳсулотларни сотиш асосан чакана савдо тармоғи ёки бозорлар орқали амалга оширилади. Қурилиш ташкилотларига маҳсулот етказиб бериш таъминот ташкилотлари томонидан амалга оширилади

Бироқ ҳукумат томонидан импорт қилинадиган маҳсулотлар импортини тартибга солиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар муносабати билан бозордаги вазият маҳсулотлар импортини қисқартириш, тақчилликни юзага келтириш ва шу орқали нархларни ошириш йўналишида ўзгариши мумкин. Ҳозирги вақтда санитария-гигиена воситалари нархининг кўтарилиш тенденцияси анчадан бери мавжуд. Шу муносабат билан ўз ишлаб чиқариши юқори рентабелликка эга бўлиб, маҳаллий хомашёддан фойдаланган ҳолда санитария-техник воситалар ишлаб чиқаришни янги техник даражада қайта йўлга қўйиш имкониятига эга бўлган хорижий ёки миллий инвесторларни жалб қила олади. Янги ишлаб чиқарувчиларнинг бозорга кириши учун асосий тўсиқ - молиялаштириш манбаларининг етишмаслигидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
2. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2021-йил 09 июндаги “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 6244-сонли Фармони.
3. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ - 5963-сонли Фармони.
4. Yo'ldoshev, N.K. Menejment [Matn]: darslik / N.K. Yoldoshev, G.E. Zaxidov. - Toshkent: « O 'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti, 2018. – 392 b.

5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. – Тошкент,
Ўқитувчи. 2001 й. 78 б.

